

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ ШУКУРИЛЛО ЮЛБАРСОВИЧ**

**КИМЁ ҚОРХОНАЛАРИДАГИ РОСТЛАНАДИГАН  
ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛИ ҲАЙДОВЧИ МАШИНАЛАРНИНГ  
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОР ИШ РЕЖИМЛАРИ**

**05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Усмонов Шукурилло Юлбарсович**

Кимё корхоналаридаги ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи  
машиналарнинг энергия тежамкор иш режимлари..... 3

**Усмонов Шукурилло Юлбарсович**

Энергосберегающие режимы перекачивающих машин химических  
производств с регулируемыеми электроприводами..... 19

**Shukurillo Usmonov Yulbarsovich**

Energy-saving regimes transmitting machines of chemical manufacturing  
with regulated electric drives..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ ШУКУРИЛЛО ЮЛБАРСОВИЧ**

**КИМЁ ҚОРХОНАЛАРИДАГИ РОСТЛАНАДИГАН  
ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛИ ҲАЙДОВЧИ МАШИНАЛАРНИНГ  
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОР ИШ РЕЖИМЛАРИ**

**05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент – 2017**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестациялаш комиссиясида В 2017.2.PhD/T149. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипов Назиржон Мукарамович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камолов Тўлаган Сирожиддинович  
техника фанлари доктори, профессор

Хохлов Владимир Александрович  
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Бухоро муҳандислик-технология институти


Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил "30" XI соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).


Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41

Диссертация автореферати 2017 йил "12" XI куни тарқатилди.  
(2017 йил "17" XI даги 2 рақамли реестр баённомаси).



  
Қ.Р. Аллаев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

  
О.Х. Ишнazarov  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

  
И.М. Ибадуллаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ишлаб чиқариш соҳаларида технологик машиналарни узлуксиз ва сифатли электр энергия билан таъминлаш самандорлигини ошириш ҳамда энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини яратишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, кимё саноати корхоналаридаги технологик линиялар ва ҳайдовчи машиналарни замонавий электр механик, ярим ўтказгичли ўзгарткичлар, автоматик назорат ва бошқаришнинг микропроцессорли воситалари ёрдамида энергия самандорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг «кимё корхоналарида кенг қўлланиладиган ҳайдовчи машиналар ва уларнинг электр юритмаларини истеъмол қилинаётган қуввати, ўрнатилган қувватга нисбатан ортиши 40...50% ни ташкил этиши сабабли, ҳайдовчи машиналарни тежамли иш режимларини таъминлаш ҳамда юритма двигатели айланиш тезлигини ўзгартириш орқали ортиқча энергия истеъмолини сезиларли даражада камайтиришга эришилади»<sup>1</sup>.

Жаҳонда кимё саноат корхоналарида ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия ва ресурс тежамкор режимларини таъминловчи техник воситалар ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, частотавий ростланадиган электр юритмали насосларнинг энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш, компрессорлар, вентиляторлар ва уларнинг электр юритмаларини энергия самандор иш режимларини ишлаб чиқиш, асинхрон двигателдаги электр қуввати исрофини энг паст қийматли вентилятор юкламага эга энергия тежамкор юритмани яратиш йўналишларида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини сифат жиҳатидан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник-технологик даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, саноат корхоналарида ҳайдовчи машиналарни автоматик бошқариладиган электр юритмаларининг янги тури ва схемаларини ишлаб чиқиш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. Шу билан бир қаторда, жумладан, кимё корхоналаридаги ҳайдовчи машиналарнинг энергия истеъмолини камайтириш усуллари ҳамда энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини таъминловчи ростланадиган электр юритманинг тузилмавий схемалари, бошқариш алгоритмларини такомиллаштириш талаб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш,...»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан, кимё корхоналаридаги технологик ва ҳайдовчи машиналарнинг энергия тежамкор иш режимларидаги энергетик мувозанатни

<sup>1</sup> <http://newchemistry.ru>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

таъминлаш, қувват исрофини мақбуллаш усулларини такомиллаштириш, частотавий ростланадиган электр юритманинг тузилмавий схемаси, экстремал бошқариш алгоритмини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кимё корхоналарида ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия тежамкор режимларини яратиш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Dresden University of Technology (Германия), Tokyo technology institute (Япония), Polytechnic University of Milan (Италия), Москва энергетика институти (Россия), «Илмий-техника маркази» МЧЖ ва «Энергомарказ» МЧЖ да (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Энергия ва ресурс тежамкорлиги ва ишлаб чиқаришни энергия самарадорлигини ошириш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар G.R. Siemon, F.J. Ferreira, F. Blaschke, K. Neumann, W. Heinrich, S.K. Bose, J. Otterpol, М.Г. Юньков, Г.Б. Онищенко, Н.Ф. Ильинский, Р.Т. Шрейнер, И.Я. Браславский, Б.С. Лезнов, А.Е. Козярук ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ростланадиган электр юритма асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари, электр энергия истеъмоли жараёнларни оптималлаш ва меёрлаш ҳамда электр двигателларни энергетик самарадорлигини ошириш борасида куйидаги ўзбек олимлари Т.Х. Насиров, Р.А. Захидов, Т.С. Камалов, К.Р. Аллаев, А.А. Хошимов, Н.М. Арипов, Ф.А. Хошимов, К.Т. Алимходжаев, М.К. Бобожанов ва бошқалар томонидан ҳам бажарилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия ва ресурс тежамкор иш режимларининг мавжуд усулларни такомиллаштириш ва янги усулларни яратиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда кимё корхоналаридаги ҳайдовчи

машиналарнинг энергетик кўрсаткичларни ошириш, уларнинг электр юритмаларини самарали танлаш ва оптимал бошқаришни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-023. «Республиканинг йирик саноат минтақаларининг электр таъминотини Фарғона саноат тугуни мисолида комплекс оптималлаш» (2006-2008), ФарПИ ва «Farg`onaazot» АЖ билан тузилган 4-09-«Farg`onaazot» АЖ технологик жараёнларидаги катта қувватли ростланадиган электр юритмаларни керакли фойдаланиш хажмини текшириш ва уларни жорий этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кимё корхоналаридаги ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия тежамкор режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

частотавий ростланадиган асинхрон электр юритмали насослар, насос агрегатлари орқали суюқликни транспорт қилишнинг энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш;

юқори кучланишли синхрон двигателли марказдан қочма турбокомпрессорлар, технологик вентиляторлар ва уларнинг электр юритмаларининг энергия самарадор иш режимларини ишлаб чиқиш;

асинхрон двигателдаги электр қуввати исрофини минимумга келтирувчи магнит оқимининг керакли қийматини таъминлаб берадиган, вентилятор юклагани энергия тежамкор электр юритмани яратиш;

тежамли иш режимлари қўлланилган ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергетик кўрсаткичларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кимё корхоналарининг ҳайдовчи машиналари ва ростланадиган электр юритмалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** минерал ўғит ишлаб чиқаришдаги ростланадиган электр юритмали насослар ва насос қурилмалари, вентиляторлар ва компрессорларнинг энергияни тежайдиган жараёнларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида электр машиналар, электр юритма, автоматик бошқариш ва марказдан қочма турбомашиналар назарияси усуллари, ҳайдовчи машиналарнинг тавсифларининг тажрибавий тадқиқот усули қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

насослар, вентиляторлар ва компрессорларнинг энергия тежамкорлик иш режимлари, ростланадиган электр юритмаларнинг тузилмавий схемалари ва бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

насос станциялари самарали тузилмасини яратиш учун сув узатишдаги мувозанатни таъминлаш асосида насослар гуруҳи қуввати исрофини частотага ҳамда насослар сонининг ўзаро нисбатига боғлиқлиги аниқланган;

вентиляторли юкламалар учун экстремал бошқариш тизими асосида энергия тежамкор частотавий ростланадиган асинхрон электр юритманинг схемаси такомиллаштирилган;

катта инерцияли вентиляторни ишга тушириш тезланишидаги двигател исишини камайтириш учун частотавий бошқариш асосида двигател кучланишининг қиймати ва частотасининг аналитик боғланиши ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

технологик сувни етказиб берувчи частотавий электр юритмали насос агрегати ва сув насос станциясининг энергия ва ресурс тежамкор иш режимлари ишлаб чиқилган;

минерал ўғитнинг грануляциялаш минораси ва сув айланиш циклидаги градирнянинг частотавий юритмали вентиляторларининг энергия самарали режимлари ишлаб чиқилган;

хавони сиқувчи компрессорлар ва уларнинг синхрон двигателли юритмаларини раван ишга тушириш орқали фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ҳайдовчи машиналар ва уларнинг электр юритмалари бўйича кенг кўламдаги назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, шунингдек, назарий ва экспериментал натижаларнинг мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти двигател минимал қувват исрофларини ва валдаги берилган моментни таъминлайдиган манбаловчи кучланишининг керакли қиймати ва частотаси орасидаги аналитик боғланишни аниқланиши ҳамда экстремал бошқариш блокига эга вентилятор юкламали янги частотавий ростланадиган электр юритма тавсифларининг аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё корхоналаридаги ростланадиган юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия тежамкор режимларини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган тежамкор режимлар технологик насос қурилмалари, насос станциялари, хавони сиқиш компрессорлари, грануляция минораси ва градирня вентиляторлари, қозонхона қурилмасининг пуфловчи ва сўриб олувчи вентиляторларида кенг кўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кимё корхоналаридаги ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарнинг энергия тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

частотавий ростланадиган асинхрон электр юритмали насослар, насос станциялари, вентиляторлар ҳамда компрессорлар ва уларнинг синхрон двигателли юритмалари учун энергия ва ресурстежамкор иш режимлари, технологик ускуналари ва ёрдамчи қурилмаларини модернизациялаш лойиҳасига ечимлар «Farg'onaazot» АЖ корхонасига жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2017 йил 6 сентябрдаги 03-4992/А-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонадаги

ҳайдовчи машиналарнинг электр истеъмолини 6% га камайтириш имконини берган;

минерал ўғит ишлаб чиқаришдаги сув айланиш цикли вентиляция ускунасининг энергия тежамкор иш режимлари «Farg'onaazot» АЖ корхонасига жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2017 йил 6 сентябрдаги 03-4992/А-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши вентилятор электр двигателини тармоқдан истеъмол қилаётган қувватни 30% га камайтириш имконини берган;

вентиляторли юкламалар учун экстремал бошқариш тизими асосида энергия тежамкор частотавий ростланадиган асинхрон электр юритманинг такомиллаштирилган схемаси Ф-2-3-4 «Электр станциялар иссиқлик ўзгарувчан юкламаларини биргаликда олтингургутли ёқилғини ёқишда юқори самарали энергия ва ресурстежамкор технологияларни оптимал бошқариш тизими назариясини яратиш» грант лойиҳасида (2006–2011) турбомеханизмларни частотавий электр юритмаси энергетик кўрсаткичлари ва тавсифларини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги ФТА-02-11/1025-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши вентилятор ускуналарини хизмат кўрсатиш муддатини ошириш ва технологик жараёнларда электр энергия сарфини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 8 та республика анжуманларида апробациядан ўтди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда битта мақола, республика журналларда 8 та мақола чоп этилган бўлиб, битта ЭХМ дастури Гувоҳномаси мавжуд.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кимё корхоналаридаги ҳайдовчи машиналардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларни ростлашнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида кимё корхоналаридаги ҳайдовчи машиналар (насослар, вентиляторлар ва компрессорлар) дан самарали фойдаланишнинг замонавий ҳолати «Farg'onaazot» АЖ мисолида) таҳлил қилинган.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришдаги ростланмайдиган ўзгарувчан ток электр юритмали асосий ҳайдовчи машиналарнинг турлари келтирилган. Ҳозирги пайтда кўриб чиқиладиган турбомеханизмлар унумдорлиги механик қурилмалар (сурилма, тўсма қопиқ ва йўналтирувчи аппарат) нинг очилиш даражасини ростлаш орқали амалга оширилади. Технологик жараёнларни самарали йўлга қўйиш нуқтаи назари талабларидан уларнинг унумдорлигини ростлаш талаблари шакллантирилган. Ушбу талабларни қаноатлантириш учун икки усулдан фойдаланилади: биринчи усул электр юритма двигателини раво ишга туширишни татбиқ этишни назарда тутати; иккинчи усул раво ишга тушириш билан бирга юритма двигателини унинг айланиш тезлигини ростлаш орқали узок муддат ишлашини таъминлаш имкониятини беради.

Турбомеханизмлар иш режимининг таҳлили ва умумий маълумотлари натижасига кўра марказдан қочма насос агрегатлари ва вентиляторларни электр юритмаларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш учун асинхрон двигател айланиш тезлигини ростлашнинг энг яхши усули – частотавий ростлаш усули ҳисобланади. Турбокомпрессорлар учун эса ҳам статик, ҳам динамик режимларда мақсадга мувофиқ иш режимларини юқори даражада амалга ошириш қобилиятига эга юқори кучланишли синхрон двигателни раво ишга туширишни таъминлаш ҳисобланади.

Частотавий ростланадиган асинхрон юритмаларнинг маълум оптимал мезонларини ўрганиш статик режимларда юритманинг умумлашган мажмуавий бошқариш мезонларини қуйидагича ёзиш имконини беради:

$$N = c_1 i_1 + c_2 \Delta p + c_3 \tau + c_4 \frac{I}{\eta} + c_5 \frac{I}{\cos \varphi} + c_6 \frac{I}{\eta \cos \varphi} = N_{\min}, \quad (1)$$

бунда,  $c_1, c_2, \dots, c_6$  – мос ҳолда токнинг минимум қиймати, исроф, қизиш, максимал ФИК, қувват коэффициенти ва уларнинг ҳосилаларига тўғри келувчи оптималлашнинг хусусий мезони учун юк коэффицентларидир.

Асинхрон двигателни частотавий ростлашга ўтказиш орқали турбомеханизмни максимал унумдорлик билан энергия тежамкор иш режимларини аниқлаш хусусиятлари кўриб чиқилган. Электр энергия тежамкорлиги ва қурилманинг ишлаш муддати айланиш тезлиги номиналдан пастга қараб ростланганда мақбул натижага эришилади, бунда шунингдек, фойдаланиш харажатлари камайиб, ҳайдовчи машиналарда ресурс тежамкорлиги ҳам таъминланади.

**«Ростланадиган электр юритмали насослар ва насослар гуруҳининг энергия тежамкор технологияларини аниқлаш»** деб номланган иккинчи боб насослар ва насослар гуруҳининг (ростланадиган юритмали) энергия тежамкор технологияларини аниқлашга бағишланган. Марказдан қочма насослар ишлашининг алоҳида хусусиятлари ва уларнинг электр юритмаларига қўйиладиган талаблари таҳлил қилинган. Бунда қуйидаги энергия тежаш усуллари таҳлил қилинган: а) тижорат шартлари ва техник катталиклари билан мос келувчи насосни тўғри танлашнинг дастурини татбиқ этиш – бунда битта насоснинг номинал истеъмол энергиясини 30...35% миқдорда энергия тежаш мумкин; б) насос унумдорлигини насос ғилдирагини ишчи нуқтага мослаб


йўниш орқали технологик ускунани истеъмолга мослаш – бунда электр энергияни тежаш ўртача битта насоснинг номинал истеъмол энергиясининг 10 % ини ташкил этади; в) энергия тежамкор асинхрон двигателларни қўллаш орқали электр юритманинг энергетик кўрсаткичларини ошириш – электр энергия тежамкорлиги ФИК ини ва қувват коэффициентларини орттириш орқали таъминланади, бу эса 3,5% ни ташкил этади. г) насос истеъмол қувватини технологик жараённинг техник талабларига мослигини, шунингдек насос айланиш тезлигини ростлаш орқали гидравлик тармоқнинг ишончли ўлчамларини таъминлаш – бунда битта насос истеъмол энергиясини электр энергия тежамкорлиги 35...40% ни ташкил этади.

Насос ишчи ғилдираги айланишлар тезлигини ростлаш самарадорлиги таҳлили натижаларида ҳайдалаётган суюқлик сарфининг турли қийматларида электр энергия сарфининг минимум бўлишини таъминловчи насос қурилмасининг электр юритмасини ростлашнинг мақбул қонунияти аниқланган.

Насоснинг танланган ростланадиган электр юритмаси ишини характерловчи олинган микдорий нисбатлар насос айланиш тезлигининг ўзгармас, шунингдек ўзгарувчан бўлгандаги суюқлик оқимининг тармоқдан олаётган электр қувватининг боғланишини ҳисоблаш имконини беради.

Ростланувчи электр юритма билан таъминланган гуруҳ насосларнинг сув таъминоти тизими энергетик мувозанатни таъминлаш вазифасини ўрганиш асосида гидравлик қувват исрофлари таҳлили ўтказилган. Гидравлик қувват исрофи коэффиценти боғланиши текширилган: а) иккидан олтигача параллел биргаликда ишловчи насос станциялари учун ростланадиган насос агрегати таъминоти кучланиши частотасидан. б) ростланадиган насосларни таъминлаш кучланиши частотасини турли қийматларда параллел ишловчи ростланадиган ва ростланмайдиган насослар нисбатларидан. Ростланадиган ва ростланмайдиган насосларнинг самарали нисбатлари  $1/2$  ёки  $1/3$  лиги кўрсатиб ўтилган.

Келтирилган ҳисоблар энергетик самарадор қурилманинг маъқул қиймати ва коллекторда белгиланган қувватни ушлаб туриш учун минимал энергетик харажат билан характерланадиган насос станцияси тузилмасини ишлаб чиқиш имконини беради (1 расм).



**1-расм. Энергетик самарадор насос қурилмасининг функционал схемаси**

Станция таркибига иккита агрегатдан иборат иккита гуруҳ насослари киради. Иккита насоснинг бир пайтда ишлаши ҳар доим иккита частота ўзгарткич орқали бошқарилади. Бундай станцияларнинг ускуналари қийматининг ортиб кетиши электр энергиясини қўшимча тежаш орқали ўзини қоплайди. Қуввати 30 кВт ли насос учун ўзини қоплаш муддати 1,2...1,8 йил, қуввати 132 кВт ли насослар учун 1,0...1,6 йилни ташкил этади.

**«Марказдан қочма компрессор машиналарининг ва уларнинг электр юритмаларинг самарали ишлашини тадқиқ**


**қилиш»** деб номланган учинчи бобда марказдан қочма компрессор машиналари ва уларнинг электр юритмаларининг самарали иш режимлари тадқиқ этилган.

Компрессорлар иш режимларининг алоҳида хусусиятлари ва уларнинг электр юритмаларига талаблар таҳлили асосида қуйидаги самарадорликни ошириш усуллари аниқланди ва текширилди: а) салт ишлаш режимда «чуқур дросселлаш» режимига ўтиш; б) ростлаш диапазонини кенгайтириш ва унумдорликни гуруҳ бўйича ростлаш; в) компрессор электр юритмасини раво ишга тушириш.

К-250 компрессор агрегатини (компрессорнинг номинал қуввати  $N_{ном}=1250,0$  кВт) корхонанинг ишламаган вақтида «чуқур дросселлаш» режимига ўтказилиб, тажрибавий тадқиқот ўтказилди. Чуқур дросселлаш туфайли компрессорнинг ғилдирагига юкланишнинг камайиши ишга тушириш режимини енгиллаштиради ҳамда ҳар бир ишга тушириш ва тўхтатиш циклида ресурслар йўқотилишини 45 дан 10 соатгача камайтиради. Чуқур дросселлаш жорий қилиш, компрессорни кунлик ишга тушириш ва тўхтатишда ресурслар йўқотилишининг камайиши билан амалга ошириш имконини беради.

Мазкур ишда раво ишга туширишдаги қурилмадан фойдаланилган ҳаво сиқувчи агрегатларнинг юқори кучланишли электр двигателларини ишга тушириш схемаси келтирилган. Графикда (2-расм) штатли режим учун раво ишга туширилишдаги  $\Delta W_{у.п.}$  (1-эгри чизик) ва чуқур дросселлаштириш усулида ишга туширишда ҳосил бўладиган йўқотишлар (2-эгри чизик) кўрсатилган. Бунда, раво ишга туширишдаги  $\Delta W_{у.п.}$  йўқотишлар, тўғридан тўғри ишга туширишдаги  $\Delta W_{п.п.}$  йўқотишларга келтирилган. Солиштириш учун графикда 3-эгри чизик келтирилган, бу чизикда двигателнинг минималга тенг бўлган юкламанинг доимий юкланишдаги  $M_c = M_n$  энергия йўқолишининг боғлиқлиги берилган.

Ушбу график, 0,02...0,04 с вақт оралиғида жараёнларнинг тебраниши пасайиши натижасида юзага келадиган электр энергиянинг энг кичик йўқотишини кўрсатади. Ушбу йўқотишлар, тўғридан-тўғри ишга туширишда ҳосил бўладиган йўқотишларга нисбатан 15% кам. Кейинчалик, умумий электр энергияни йўқотишлар, двигателларнинг пасайган тезликда ишлаш вақтини кўпайтириш ҳисобига ошади. Чуқур дросселли раво ишга тушириш ҳолати учун (2-эгри чизик), энергияни йўқотиш самараси, энергия йўқотишлар ишга тушириш вақтидагига нисбатан кам бўлган вақт чегараларини кенгайтириш



**2-расм. Двигателни раво ишга туширишдаги электр энергия исрофлари графиги**

ҳисобига намоён бўлади. Бирок, электр энергия йўқотилишининг энг паст нуқтаси деярли ўзгармайди.

Энергия тежамкор режимлар жорий қилинишидаги иқтисодий самарадорлигининг ҳисоби, узлуксиз ишлаб чиқариш циклига эга бўлган минерал ўғитлар заводлар учун ишлаб чиқилган. Сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришга компрессорларнинг ва уларнинг электр юритмаларига энергия тежамкор режимларини жорий этиш, бир агрегатга кетадиган номинал электр энергиясига нисбатан 10 дан 15% гача энергияни тежаш имконини яратади, бунда келтирилган мисоллар учун электр энергиянинг йиғинди тежами бир йилда 8.0 млн. кВт/соатни ташкил этади.

Вентилятор ва уларнинг электр юритмаларининг қуйидаги энергия самарали режимлари аниқланди: а) катта инерцион массага эга бўлган вентиляторларни частотавий ишга тушириш, б) бошқариладиган электр юритмали технологик қурилмали вентиляторларнинг тезлик режимларини ўзгартириш билан ва в) қозонхона қурилмаларининг пуфловчи ва тутун сўрувчи механизмлари учун электр юритмалар тезлигини частота ўзгарткичлар ёрдамида ростлаш.

Катта инерция моментига эга бўлган вентиляторларни ишга туширишнинг частотавий бошқарилиши, ҳайдаш вақтида двигател қизиб кетишини кескин пасайтириш имконини беради. Ҳаракатга келтирилган вақт мобайнида минимал йўқотишларни ва двигател валига берилган моментни таъминловчи, частота ўзгартиргичнинг кучланиш ва ток частотаси қийматларини, энг қулай нисбатларини ўрнатадиган ифодалар аниқланган:

$$\alpha_1 = \frac{r'_2}{x_1} \sqrt{\frac{k_c x_1^2 + c_1^2 m_1 f_{1H}^2 r_1^2 \tau_1^2}{c_1^2 m_1 f_{1H}^2 [r_1(1+\tau)^2 + r_2'] + k_c x_2'^2}},$$

$$\gamma = \frac{I_{1cr}}{U_{1H}} \sqrt{\frac{\frac{r'_2}{\alpha} \left[ (b^2 + c^2 \alpha^2) \frac{\alpha}{r'_2} + (d^2 + e^2 \alpha^2) \frac{r'_2}{\alpha} + 2r_1 \alpha \right]}{(1+\tau_2)^2 + \left( \frac{\tau_1}{x_1} \right)^2 \left( \frac{r'_2}{\alpha} \right)^2}}, \quad (2)$$

$$M_{\max} = \frac{m_1 I_{1cr}^2 x_1}{2\omega_{1H} (1+\tau_2) \tau_1}, \quad I_{1\min} = \sqrt{\frac{2M_{cr} \omega_{1H} (1+\tau_2) \tau_1}{m_1 x_1}}.$$

Технологик қурилмалар вентиляторларининг электр юритмаларини бошқаришнинг дресселли усулидан частотавий бошқаришга ўтишда:

- мочевина ишлаб чиқариш цехини грануляциялаш (доналаш) минорасининг вентиляциян қурилмаси унумдорлигини частотавий ростлаш тармоқдан истеъмол қилаётган қувватни икки баробар камайишини таъминлайди:

- градирня вентиляторларининг паст айланишли юритма двигателларини частотавий ростлашда компрессорлаш қурилмаларининг зарурияти йўқолади ва унумдорликни мавсумий тартибга солиш имкони пайдо бўлади, бунда қишки режимда истеъмол қилинаётган қувват бир вентиляторга 47% га камаяди.

Қозонхона агрегатларининг тутун ютгичлари частотали бошқаришнинг самарали объектларидан биридир. Бу ерда, тутун ютгич электр юритмасининг двигатели томонидан истеъмол қилинаётган қуввати қозон унумдорлигига боғлиқ бўлади ва қозондаги газ йўлидаги сийраклаштириш қозонни режимли бошқариш усулига нисбатан икки баробар кам бўлади. Қозонхонанинг пуфловчи вентиляторларининг электр юритмалардаги потенциал тутун ютгичларининг электр юритмаларидагига нисбатан 2...3 баробар паст, шу боис бу ерда двигател истеъмол қилаётган қувват камайиши 20...25% ни ташкил қилади.

**«Хайдовчи машиналарнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари ва бошқариш тизимини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобда хайдовчи машиналарнинг бошқариш тизими ишлаб чиқилган ва электр тежамкор электр юритмаларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқлаб берилган.

Кимёвий ишлаб чиқаришдаги хайдовчи машиналарнинг вентиляторли статистик хусусиятга эга электр юритмаларни бошқариш учун энергетик ва ишончлилик хусусиятлари бўйича сифатни аниқловчи муҳим мезонлардан бири қувватнинг йўқотилиши эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Агарда, магнит ўтказгич тўйинганлиги инобатга олинмаса, унда :

$$\Phi_* = E_*/f_*, \quad (3)$$

яъни: оқимни бошқариш талаб этилаётган  $E_*/f_*$  муносабатнинг заруриятлигини тахмин қилади. Бунда магнит оқими  $\Phi_{\text{опт}*}$  двигател валидаги  $M_*$  momenti билан аниқланади;

$$M_* = \Phi_* I_2' \sin \varphi_2, \quad (4)$$

бунда  $\varphi_2 - \Phi_*$  и  $I_2'$  оралиғидаги  $s$  сирпанишнинг кичик қийматларида тахминан  $\pi/2$  га тенг бўлган бурчак.

$$M_* \approx \Phi_* I_2'. \quad (5)$$

Барча зарурий ўзгартиришлардан сўнг

$$\Phi_{\text{опт}*} \approx I_2' \sqrt{\frac{k_v^*}{k_v^* + k_{\text{ст}*} \omega_*^\beta}}. \quad (6)$$


Ушбу оқимни ҳосил қилиш учун керак бўлган кучланиш катталигини  $U_{\text{опт}*}$  қуйдагича ҳисоблаймиз:

$$U_* = E_* + I_1 z_1 \approx \Phi_* f_* + I_1 z_1, \quad (7)$$

бунда:  $z_1 = \sqrt{r_1^2 + (f_* x_1)^2}$ ;  $z_1 = z_1 / z_{1н}$ ;

$$r_1 = r_1 / z_{1н}; \quad x_1 = x_1 / z_{1н}; \quad z_{1н} = U_n / I_{1н}.$$

Вентилятор юкламали асинхрон электр юритмада, двигател валидаги момент двигател айланиш тезлигининг бир қийматли функцияси бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатда  $\Phi_{\text{опт}*}$  магнит оқими ва бунга мувофиқ  $U_{\text{опт}*}$  кучланиш фақат бурчак тезлиги  $\omega_*$  ва частота



**3-расм. Вентилятор моментли механизмлар учун магнит оқими ва кучланишнинг нисбий қийматларининг частотага нисбатан ( $\Phi_{\text{опт}*}(f_*)$ ,  $U_{\text{опт}*}(f_*)$ ) боғланиш графикалари**


$f_*$  ёрдамида аниқланади. Агарда,  $\omega_* \approx f_*$  ни инобатга олсак, вентиляторли моментли қаршиликка эга механизмлар учун ( $M_* \approx \omega_*^2$ )

$$\Phi_{\text{опт}^*} \approx f_*^4 \sqrt{\frac{k_{v^*}}{k_{v^*} + k_{cm^*} f_*^\beta}} \cdot \quad (8)$$

$\Phi_{\text{опт}^*}(f_*)$  ва  $U_{\text{опт}^*}(f_*)$   $M_* = \omega_*^2$  учун боғлиқлигининг тахминий кўриниши 3-расмда кўрсатилган. Вентилятор юкламали асинхрон электр юритма двигател валидаги момент айланиш тезлигининг бир қийматли функцияси бўлиб ҳисобланади ва бу ҳолатда магнит оқими ҳамда унга мувофиқ двигателнинг кучланиши айланиш тезлиги ва чиқиш частотаси билан аниқланади.

Ҳозирги кунда серияли ишлаб чиқариладиган (ихтирога патент рақами IAP 02750) статор токи модули бўйича бошқариладиган ЭПС-ОА электр юритмани, содда ва арзон экстремал ростланадиган вентиляторли юклама учун энергия тежовчи созловчи электр юритма ишлаб чиқилган ва тажрибада тадқиқот этилган (29.09.17 й. да чоп этилган IAP 20160077 ихтирога талабнома).

Вентилятор юкламали энергия тежовчи электр юритма (4-расм): иккита кучли токли транзистор калитлари 3 ва 4, транзисторли кучланишни импульс кенглиги бўйича ростлагичи 2, тескари диодлар 6 ли тиристорлар 8 ли инвертор 5 дан тузилган частота ўзгартиргич 1 ҳамда иккита ток датчиклари 9 ва 10, иккита ўзгармса резисторлар 11 ва 12 дан иборат. Частота ўзгартиргич ишини бошқариш блоки 7, релели таққослаш схемаси 13, инверторнинг тиристорларини улаб-ўчириш алгоритмларини шакллантиргичи 14, импульс кенглиги модулятори 15, кучли токли транзистор калитларини улаб-ўчириш алгоритмларини шакллантиргичи 16, кучланиш датчиги 18, кучланиш ростлагичи 19 ва функционал ўзгартиргич 20 таркибида бажарилган.




**4-расм. Двигател статор токининг модули бўйича бошқариладиган энергия тежамкор асинхрон электр юритманинг функционал схемаси**


Схемадаги функционал ўзгартиргич (8) ва (9) ифодаларга мувофиқ  $U_{\text{опт}}$  ва  $f_{\text{чик}}$  ўртасидаги ўзаро боғланишнани ўрнатади (5-расм).

МЕТА-11-JS-65 русумли марказдан қочма насоснинг асинхрон электр юритмасини таклиф этилаётган бошқариш қурилмаси ва А42-6 турдаги двигател билан тажриба синов тадқиқотлари ўтказилди. Юритма двигателининг қуввати  $P_{\text{ном}} = 1,7$  кВт, айланиш тезлиги  $n = 980$  айл/мин 5-расмда бошқариладиган (а) ва энергия тежайдиган (б) электр юритмалар учун  $\Delta P_{\text{дв}}^*(M^*)$  йўқотишлар йиғиндиси бўйича асинхрон двигателнинг тажрибавий энергетик тавсифлари берилган. Таржибалар шуни кўрсатадики, экстремал бошқаришнинг самараси, айниқса, кичик юкланишда ( $M^* < 0,5$ ) яққол намоён бўлади, салт юришдаги энергия тежамли бошқариладиган двигателдаги қувват 20% га камаяди. Худди шундай натижалар, таъминловчи кучланишнинг частоталари қиймати номиналдан паст бўлганда ҳам кузатилди.

6-расмдаги осциллограммалар тизимнинг айрим динамик хоссаларини кўрсатиб ўтади. 6-а расмда, таъминловчи кучланиш частотаси номинал бўлганда салт юришдаги двигателга номинал юкламани қўйиш жараёнида ва двигател токи  $I_{\text{дв}}$  нинг ва айланиш тезлиги  $n$  нинг ўзгаришлари акс эттирилган. Расмдан кўриниб турибдики, қўйилган юклама, айланишнинг тезлигини “пасайиши” 28% бўлганда, 0,3 с да амалга оширилади. 6-б расмдаги осциллограммалар номинал юкламани олиб ташлаш жараёнини ифодалайди. Айланиш тезлигининг ўрнатилишининг ўтиш жараёни 0,07 сонияда тугатилади, лекин кучланиш қиймати, тахминан, бир сония ичида ўрнатилади. Ток ва кучланиш қийматларида ўта ростлашлар мавжуд эмас, ва тизим двигателининг магнит оқими пасайиши билан тежаш режимига ўтади.



5-расм. АДни двигателни йиғинди исрофлар бўйича энергетик характеристикаси: а – ростланувчан ЭЮ ЭПС ОА: “—” б – статор токи модули бўйича бошқариладиган ЭЮ “--”



6-расм. Номинал юкламанинг улаш (а) ва узиш (б) осциллограммалари

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, шуни айтиш керакки, двигател қувватининг йўқотишларини камайтирадиган частотали ростланадиган экстремал электр юритма тизими сезиларли энергия тежаш ва динамик

хусусиятларга эга. Шу билан бирга, электр юритманинг ушбу тизимидан фойдаланиш самарадорлиги двигателнинг салт юриш даврлари қанча давомий бўлса, шунча кўпроқ бўлади.

Ишлаб чиқариш машиналаридаги энергия ва ресурслар сарфини камайтиришга асосланган, турбомеханизмларнинг айланиш тезлигини ростлашдан олинандиган иқтисодий самарани аниқлаш учун услубиёт, алгоритм ва ЭҲМ дастури таклиф этилган. Услубиёт корхонанинг амалдаги қозонхонаси цехида ўрнатилган частотавий ростланадиган электр юритмада синалган.

## ХУЛОСА

«Кимё корхоналаридаги ростланадиган электр юритмали ҳайдовчи машиналарининг энергия тежамкор иш режимлари» мазусидаги техник фанлар фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилган:

1. Насос ишчи ғилдиракни йўниш, энергия тежамкор асинхрон двигателлардан фойдаланиш, насос қувватнинг технологик жараён талабларига мувофиқлаштириш, насосни айланиш тезлигини ростлашни орқали насослар ва уларнинг электр юритмаларини энергия ва ресурс тежамкор режимларини ишлаб чиқилган. Ростланадиган юритмали насослар гуруҳининг гидравлик қувватни исрофини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш асосида, арзон қурилма ва кам энергия сарфли энергия самарадор насос станциясининг янги тузилмаси ишлаб чиқилган. Натижада насос қурилмалари учун электр энергия сарфини 35...40% га камайтириш имкони яратилган.

2. Ҳавони сиқувчи турбокомпрессорлар ва уларнинг электр юритмаларини ишлаш самаралилигини орттириш мақсадида компрессорни чуқур дросселлашга ўтказиш, механизм унумдорлигини ростлаш диапазонини кенгайтириш, ҳаво ўтказиш тармоғидаги босимни гуруҳли ростлашни жорий этиш ва юқори кучланишли синхрон электр юритмани раво ишга туширишни таъминлаш усули ишлаб чиқилган. Натижада компрессор қурилмалари учун электр энергия сарфини 10...15% га тежаш имкони таъминланган.

3. Вентиляторлар ва уларнинг электр юритмаларини энергия самарадор режимлари, жумладан, катта инерция моментли вентиляторларни частотавий ишга тушириш; грануляция ва градирня вентиляция қурилмалари, корхона қозонхонасининг тутун юткич ва пуфловчи вентиляторларининг унумдорлигини частотавий ростлаш ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Натижада грануляция ва градирня вентилятор усканаларининг истеъмол қувватни деярли икки мартага, қозонхона қурилмаларидаги вентиляторларнинг қувватини 20...25% га камайтириш имкони берилган.

4. Экстремал ростлаш блокига эга бўлган, ҳозирда серияли ишлаб чиқарилаётган электр юритма асосида, вентиляторли юклама учун, энергия тежовчи частотавий ростланадиган электр юритма схемаси такомиллаштирилган. Бу электр юритма тизими, сезиларли энергия тежаш ва динамик хусусиятларга эришиш имконини беради.

5. Турбомеханизмлардаги унумдорлик ва босимни ростлашдан олинадиган иқтисодий самарадорликни аниқловчи, электр энергияни тежаш, ресурс тежамкорлиги ва технологик самарани ҳисобга олувчи услубиёт таклиф этилган ва у корхонанинг амалдаги қозонхона цехидаги частотавий ростланадиган электр юритмада жорий этилган.

6. Тадқиқот натижалари «Farg'onaazot» АЖда частотавий ростланадиган асинхрон электр юритмали насослар, насос станциялари, вентиляторлар ҳамда компрессорлар ва уларнинг синхрон двигателли юритмалари учун энергия ва ресурс тежамкор иш режимлари жорий этилган. Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонадаги ҳайдовчи машиналарнинг электр истеъмолини 6% га камайтириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА НАУК DSc 27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ и  
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**УСМОНОВ ШУКУРИЛЛО ЮЛБАРСОВИЧ**

**ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИЕ РЕЖИМЫ  
ПЕРЕКАЧИВАЮЩИХ МАШИН ХИМИЧЕСКИХ ПРОИЗВОДСТВ  
С РЕГУЛИРУЕМЫМИ ЭЛЕКТРОПРИВОДАМИ**

**05.05.01 – Энергетические системы и комплексы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.2.PhD/T149.

Докторская диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Арипов Назиржон Мукарамович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Камалов Толяган Сиражиддинович**  
доктор технических наук, профессор

**Хохлов Владимир Александрович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:**

**Бухарский инженерно –технологический институт**

Защита диссертации состоится «30» XI 2017 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». (Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu\_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - 30). (Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «17» XI 2017 года.  
(протокол рассылки № «2» от «17» XI 2017 г.).



**К.Р. Аллаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.т.н., профессор

**О. Х. Ишназаров**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.т.н.

**И.М. Ибадуллаев**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёной степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире важную роль имеет повышение эффективности обеспечения технологических машин в отраслях производства бесперебойной и качественной электроэнергией и исследования направленные на создание энерго- и ресурсосберегающих режимов их работы. В этом отношении особое значение уделяется повышению энергоэффективности технологических линий и перекачивающих машин химической промышленности с помощью современных электромеханических и полупроводниковых преобразователей, микропроцессорных средств автоматического контроля и управления. В развитых странах «по причине превышения потребляемой мощности в широко применяемых на химических предприятиях перекачивающих машинах и их электроприводах, над установленной на 40...50%, значительное снижение повышенного энергопотребления достигается за счет обеспечения экономичных режимов работы перекачивающих машин и изменения скорости вращения приводного двигателя»<sup>1</sup>.

В мире особое внимание придаётся разработке технических средств и технологий, обеспечивающих энерго и ресурсосберегающие режимы работы перекачивающих машин регулируемые электроприводами предприятий химической промышленности. В этой отрасли осуществление научно-исследовательских работ, в том числе, направленных на разработку энергосберегающих технологий насосов с частотно-регулируемыми электроприводами, энергоэффективных режимов работы компрессоров, вентиляторов и их электроприводов, а также создание энергосберегающего электропривода для вентиляторной нагрузки, обеспечивающего минимизацию потерь мощности в асинхронном электродвигателе являются одной из важнейших задач.

После обретения независимости Республики особое внимание уделяется качественному развитию энергетики, являющейся одной из важнейших отраслей экономики и способствующих повышению её технико-технологического уровня на основе современных требований. В этом отношении значительные результаты достигнуты по разработке новых типов и схем автоматически управляемых электроприводов перекачивающих машин промышленных предприятий. Вместе с тем, в том числе, требуется совершенствование структурных схем, алгоритмов управления регулируемого электропривода, обеспечивающего энерго и ресурсосберегающих режимов работы и методов снижения энергопотребления перекачивающих машин химических предприятий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...сокращению энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий...»<sup>2</sup>. Реализация этих проблем, в том числе, обеспечение энергетического равновесия

---

<sup>1</sup> <http://newchemistry.ru>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

энергосберегающих режимов работы технологических и перекачивающих машин на химических предприятиях, совершенствования методов оптимизации потерь мощности, разработка структурных схем частотно-регулируемых электроприводов и алгоритма экстремального управления считается одной из важнейших задач.

